

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 82 (10.135)

2004 ЙИЛ 29 АПРЕЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТРАРДА

- **КЕЧА** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан иқтидорли ёшлар ўртасида «Тошкент — ёшлар нигоҳида» деб номланган деворга расм чизиш бўйича кўрик-танлов бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** Замонавий санъат марказида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган республика расмлар кўрик-танлови «Камалак жилоси» деб номланди.
- **КЕЧА** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўзбек адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган ёзувчи, таржимон Кибриё Қажҳорова таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан кеча ўтказилди.
- **ЭРТАГА** Тошкент шаҳар Кўшимча таълим марказида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорликларида мактабгача ёшдаги

болалар ва мактаб ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган «Ер кўрасида тинчлик» расмлар кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтади.

- **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раисалари учун Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилган ўқув семинари давом этмоқда. **ЭРТАГА** Мирзо Улуғбек, Миробод, Сергели туманлари маҳаллалари хотин-қизлар комиссиялари раисаларига сертификат топширилади.

- **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тарновбоши» маҳалла гузарига «Бахт-иқбол ҳуқуқига эгаман» мавзусида уюштирилган тадбир Меҳр ва муруват йилига бағишланди. **ШУНИНГДЕК**, тадбир давомида «Соғлом турмуш тарзи — келажак пойдевори» мавзусида гиёвандликнинг зарарига бағишланган баҳс-мунозара бўлиб ўтди.

- **ЭРТАГА** шаҳримиздаги 70-ўрта мактабда «Балли, қизлар» кўрик-танлови ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Тошкентда Иккинчи чақириқ Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессияси ўз ишини бошлади



Консалтинг хизмати кенгаймоқда

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши йилдан йилга ўсиб борапти. Жумладан, ўтган йили бу кўрсаткич қирқ фоизни ташкил этди.

Консалтинг хизмати ана шундай тез ривожланаётган соҳалардан. Консалтинг фирмалари турли компанияларга молиявий, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш, товар ва хизматлар бозорини тадқиқ этиш ва истиқболга оид масалаларда фойдали маслаҳатлар ва тавсиялар беради. Ҳозирги пайтда республикаимизда беш юзга яқин консалтинг ва аудит компанияси ишлаб турибди.

— Машинасозлик, тўқимачилик, қурилиш, кимё, ёғ-мой, тамаки, озиқ-овқат са-

ноати, туризм, банк иши, ахборот технологиялари тармоқлари корхоналарига ишни халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ташкил этишда кўмаклашяпмиз, - деди «SKS» компанияси бош директори Мурод Абдуҳақимов ўзА мухбирига. - Йил бошидан буён миқозларга ўн беш миллион сўмликдан зиёд хизмат кўрсатилди.

Компаниямиз кўшни Қирғизистон ва Қозоғистондаги миқозларга ҳам хизмат кўрсатиш учун шартномалар тузишга киришди.

ЎЗА

Бугунги кунда «Совпластитал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасининг маҳсулотлари нафақат мамлакатимизда, балки дунёнинг кўплаб давлатларида ҳам ўз харидорлиги билан ажралиб туради. Ўтган 18 йиллик фаолият давомида корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг тури 9 минг хилдан ҳам ортиб кетди.

Корхонада қад ростлаётган стадионларга томошабинлар учун ўриндиқлар ишлаб чиқаришни

Иқтисоқий

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ

бошлаб юборишди. Муҳими эса ушбу ўриндиқларнинг ихчам, чиройли ва мустаҳкам турлари яратилмоқда.

Жорий йилда корхона тадбиркорлари экспорт ҳажмини оширишни режалашган. Канада давлатига маҳсулот экспорт қилиш борасида музокаралар олиб борилмоқда. Россия давлати билан савдо ҳажмини янада ошириш кўзда тутилмоқда. Шу боис ҳам ўтган йилда 5 миллиард 317 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 7 миллиард 920 миллион сўмга етказиш кўзда

тутилмоқда. Бунинг учун эса корхона мутасаддиларидан тортиб, конструктор-дизайнерлар, усталар изланишларни давом эттиришмоқда. Хар бир яратилаётган маҳсулот кўриниши ва сифати, қандай хизмат кўрсатиши хусусида жиддий иш олиб борилмоқда.

Шунингдек, корхонада ташкил этилган шўъба корхоналари, пойтахтимиз ҳамда вилоятларда муваффақиятли иш олиб бораётган фирма дўконлари харидор талаб ва эҳтиёжини ўрганишда, уларнинг сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, корхонада пластмассадан тайёрланаётган хўжалик буюмлари, ранг-баранг сунъий гул ва гулдасталарга, резинадан ишлаб чиқарилаётган болалар ўйинчоқлари, рангли шиша, чини ҳамда сопол маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда. Албатта, харидор талаби асосида уларнинг турлари ҳам кўпайиб, ранг-баранглиги ортиб бормоқда.

Бозор талабларини тўғри тушуниб, ўз вазифаларини, йўлларини оқилана танлаган корхона тадбиркорлари ҳамisha юксак сифат ва рақобатбардошликка эътибор қаратишмоқда. Маҳсулот турлари эса шу асосда кўпаймоқда, харидорини топтомоқда.

Шоҳида ИКРОМОВА

СУРАТДА: қуювчи Акмал Акбаров 12 йилдан буён корхонада сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Алексей Попов олган сурат.



халқ истеъмоли моллари тайёрлаш йўлга қўйилган. Совпластиталчиларнинг дид билан тайёрлаган хар қандай маҳсулоти бир-бирини тақдорлашмаслиги, ўзгача кўриниши, безаги билан ажралиб туради. Шу боис бўлса керак, улар ўтган йилларда бир қанча халқаро сифат мукофотларининг совриндорлари бўлишган.

Жорий йилда корхона ахли томонидан 300 турдаги янги йил совға буюмлари, ўйинчоқлар тайёрлаш, хилма хил композициялар, болалар ўйингоҳларини жиҳозлаш учун ҳайвонлар ва жонотлар тисмолари ва бошқа халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш режаланган. Айни кунларда эса корхона жамоаси мамлакатимизда

XXI саҳоси

Барча навбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси корхона фаолиятига Юртбошимиз томонидан берилган юксак баҳо, шунингдек, бирлашманинг 60 йиллиги муносабати билан корхонанинг бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги Фармондан руҳланиб Ўзбекистон Республикаси Президенти номига миннатдорчилик мактуби йўллади.

- Кеча Олий Мажлис Кенгашининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

- Кеча Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси; Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик кўмитаси; Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат кўмитаси ҳамда бошқа кўмиталарнинг сессиясиди йиғилишлари бўлиб ўтди.

- Республика шошилини тиббий ёрдам илмий марказида мия қон томири касалликлари муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

- Бухорода Қишлоқ хўжалигида сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш масалаларига бағишланган давра суҳбатининг минтақавий муҳокамаси бўлиб ўтди.

- Самарқанддаги «Стеклопластик» ҳиссадорлик жамиятида тайёрланаётган маҳсулотлар тури 100 тадан ошди. Умумтаълим мактаблари, коллежлар, соғлиқни сақлаш тизими учун жиҳозлар ва спорт анжомлари сифатли тайёрланаётганлиги учун ҳам жамият Қозоғистон ҳамда Тожикистонда ўтказилган тендерларда голиб чикди.

Жаҳонда

- Ливия етакчиси Муаммар Қаззофий кейинги 15 йил ичида илк бор Фарбга, аниқроғи Бельгия пойтахти Брюсселга таширф буюрди.

- Халқаро Валюта Фонди жаҳон иқтисодий ўсишининг сўнги башоратларини эълон қилди. Унга кўра, 2004 ва 2005 йилларда дунё иқтисодиётида глобал ўсиш рўй бериши кутулмоқда. Чунончи, жорий йилда жаҳондаги иқтисодий ўсиш 4,6 фоизни, 2005 йилда эса 4,4 фоизни ташкил этади.

- Жаҳон Интернет тармоғида www.uzbekistan.uz Web-сайти ташкил этилди ва «Ўзбекистон — буюк келажак сари» китобининг мультимедиа варианты чиқарилди.

- NASАнинг Марсга учирилган иккинчи «марсоход»и — Opportunity фаолиятининг белгиланган 90 кунлик муддатини яқунлади. У яна сентябргача ишлаши мумкин, бунга қуввати етади, дейилади Associated Press агентлиги ахборотида.

Иқтисодиёт**САВДО УЙЛАРИ
ОЧИЛАДИ**

Пойтахтимиздаги «Оникс» ҳиссадорлик жамиятида тайёрланаётган бири биридан жилвакор ва жозибали қандил ва биллур буюмлар нафақат юртимизда, балки Марказий Осиё давлатларида ҳам харидорлиги билан ажралиб туради.

Утган йилда корхона жамоасининг изланишлари натижасида яратилган маҳсулотларнинг 394 минг долларлиги Россия ва Қозоғистон давлатларига экспорт қилинди. Бу борда, албатта янги маҳсулотлар яратиш йўлида тинмай изланаётган, бозорни, харидор талаб ва эҳтиёжини ўрганаётган конструктор-модельерларнинг ҳиссалари каттадир.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар экспортини йўлга қўйишда, четдан харидорларни жалб этишда аввало сифатга ва рақобатбардорликка қаратилаётган эътибор муҳим ўрин тутса, шу билан бирга жойларда очилаётган савдо уйлариининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

Ҳозирда Қозоғистонда ана шундай савдо уйлариининг бири муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. У ерда маҳсулот савдосидан ташқари хорижий харидорлар талаби, бозор конъюктураси ҳам ўрганилади. Келгусида эса Марказий Осиё давлатларининг барчасида ана шундай савдо уйлариини ташкил этиш, экспортбоп маҳсулотлар турини янада кўпайтириш кўзда тутилган.

Бугунги кунга келиб корхонада 200 турдан зиёд халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Жорий йилининг биринчи чорагида эса 18 хил янги маҳсулот яратилди. Шунингдек, корхонада эски дастгоҳларни модернизация қилишга ҳам аҳамият қаратилган.

**ХОРИЖНИКИДАН
ҚОЛИШМАЙДИ**

Хусусий тадбиркор Умарбек Шарипов ўз фаолиятини 2000 йилда бошлаган. Унинг замонавий технологиядан оқилона фойдаланиш эвазига тайёрлаётган маҳсулотлари бугунги кунда хорижники билан бемалол рақобатлаша олади.

Ўз фаолиятини сутни қайта ишлаш асосида сут, қаймоқ ҳамда музқаймоқ ишлаб чиқаришдан бошлаган хусусий тадбиркорнинг изланишлари самара бериб, пишлоқнинг бир қанча турларини тайёрлашни йўлга қўйди. Утган йилда эса 40 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб беришга муваффақ бўлди.

Тадбиркорнинг мувофиқлик сертификатига эга бўлган пишлоқ ҳамда бошқа маҳсулотлари Тошкент шаҳри, Самарқанд, Навоий ва Хоразм вилоятлари савдо шохобчаларида харидорларга сотилмоқда. Ушбу маҳсулотлар нафақат сифати, балки қадқоланиши билан ҳам бозор талабига тўла жавоб беради. Айна кунларда эса Умарбек Шарипов янги ускуналар ўрнатиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот экспортини йўлга қўйиш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш режасини амалга оширишга ҳаракат қилмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

Қарор ва ижро**АСОСИЙ МАҚСАД —
ТЕЖАМКОРЛИК**

Қимматбаҳо бойликларимиз сирасига кирувчи ва кундалик турмушимизда муҳим аҳамият касб этувчи «зангори олов» — табиий газ барчамизнинг мушкуллимизни осон, оғиримизни енгил қилишини яхши биламиз. Лекин гоҳида билиб-билмай, кўриб-кўрмай ана шу қимматбаҳо неъматни исроф этамиз, тежаб-тергашга эътибор бермаймиз. Сирасини айтганда, ҳамisha ҳам қадрига етавермаймиз. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатила бошлагач эса истеъмолчиларнинг тежамкорликка қаратаётган эътиборлари яққол кўзга ташланмоқда. Шаҳримизда газ тежамкорлигида муҳим ўрин тутаётган ҳисоблагичлар ўрнатиш борасида қандай юмушлар амалга оширилмоқда? Уни ўрнатишда асосий эътибор нималарга қаратилмоқда? Истеъмолчи бунини тўғри англаётими? Шу ва бошқа бир нечта саволлар билан «Тошкентшаҳаргаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси газ ҳисоблаш ва тақсимлаш бўлими бошлиғи Абдураҳим МИРСАГАТОВга мурожаат этдик.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги «2002-2004 йилларда уй-жай фондиди газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, — дейди Абдураҳим Мирсагатов, — хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатиш жорий йил охиригача ниҳояланиши кўзда тутилган. Бу, албатта ҳаммамиз учун фойдали бўлиб, газ тежамкорлигига эришишда, ҳар бир истеъмолчига газнинг керагича етиб боришида муҳим аҳамият касб этди. Шубҳасиз, хонадон эгаси ёқилган, яъни ишлатилган газ учун ҳақ тўлагач, уни тежаб-тергашга, беҳуда ёниқ қолдирмасликка ҳаракат қилиши ўз-ўзидан аён. Негачи ҳисоблагич ёқилган газ сарфини аниқ кўрсатиб туради.

— **Юқоридаги қарор ижроси пойтахтимизда қай аҳволда?**

— Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра шаҳримиз хонадонларига 281070 та газ ҳисоблагичлар ўрнатилди. Шу жумладан хусусий хонадонларга 124589 та ва кўп қаватли уйлар хонадонларига 156481 та газ ҳисоблагичлар ўрнатилди.

— **Шу ўринда истеъмолчиларга газ ҳисоблагичларнинг нархи, ўрнатиш учун олинандиган ҳақ ху-**

сусида маълумот берсангиз.

— Ўрнатилаётган газ ҳисоблагичларнинг турларига қараб уларнинг нархлари бугунги кунда 27,5 минг сўмдан 36,3 минг сўмгачани ташкил этади. Хусусий хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатиш учун 4303 сўм, кўп қаватли уйлар хонадонларида эса 3880 сўм ҳақ тўланади. Шу билан биргаликда ҳисоблагичларни ўрнатиш учун кетган қўшимча материаллар нархи ҳам хонадон эгалари томонидан тўланади.

— **Шу ўринда бир савол туғилди: истеъмолчи ўзи сотиб олган газ ҳисоблагични хонадонига ўрнатиши мумкинми?**

— Агарда, сотиб олинган газ ҳисоблагичга «Ўздавстандарт» томонидан сертификат берилган бўлса, истеъмолчи уни хонадонига ўрнатиши мумкин. Бунда газ ҳисоблагич хонадондаги газ асбоблари сарфлайдиган газ миқдорига мос бўлиши керак, яъни сарфланадиган газ миқдори соатига 2 метр кубгача G 1,6; 6 метр кубгача G 4; 10 метр кубгача G 6 русумли газ ҳисоблагичлар ўрнатилади. Агарда хонадон эгаси томонидан харид қилинган сертификатга эга бўлган газ ҳисоблагич ўрнатилса, у фойдаланиш жараёнида носоз ҳолга келса, истеъмолчи ҳисобидан таъмирланади ёки ал-

маштириб берилади.

— **Истеъмолчилар томонидан газ ҳисоблагич нархи ва ўрнатиш ҳақларини тўлаш муддатлари қандай белгиланади?**

— Хонадонга газ ҳисоблагич ўрнатишга, истеъмолчи унинг ҳақини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-қарорига мувофиқ тўлайди. Яъни ана шу қарорнинг 4-иловасининг 23-бандида мана шундай қўрсатилган: «Ўзкоммунхизмат» корхонаси томонидан сотиб олинган газни ҳисобга олиш приборлари аҳоли қаватларига ва яққа тартибдаги уйлارга ўрнатилади. Кейинчалик уларнинг қиймати истеъмолчи томонидан кафолатли муддат мобайнида тўланади...» Газ ҳисоблагич нархини тўлаш шартлари имкониятдан келиб чиқиб газ таъминоти корхонаси билан истеъмолчи ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади. Ўрнатиш ҳақи эса ҳисоблагич ўрнатилаётган пайтда тўланади.

— **Шу ўринда истеъмолчиларни қизиқтираётган яна бир савол: айна пайтдаги газ учун тўланадиган ҳақ, янги тариф хусусида ҳам маълумот берсангиз.**

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2004 йил 31 мартда тасдиқланган тарифга асосан жорий йил 1 апрелидан истеъмолчилар қуйидагича ҳақ тўлайдилар. Яъни газ ҳисоблаш асбоби ўрнатилган хонадонларда 10 метр куб газ учун 69,45 сўм, меъёр бўйича тўловларни амалга оширувчи истеъмолчилар, яъни газ ҳисоблагич ўрнатилмаган хонадонларга овқат пишириш ва иссиқ сув учун 10 метр куб газ учун 120,0 сўм, иситиш учун 10 метр куб газ учун 55,65 сўм қилиб белгиланди. Албатта, ёқилган газ ҳақини вақтида тўлаш бу хизмат кўрсатувчи учун ҳам, истеъмолчи учун ҳам фойдали бўлиб, хонадонда ҳамisha табиий газ бир маромда бўлишини таъминлайди. Бунини ҳар бир истеъмолчи ёдида тутиши лозим.

Шарифа ИЛЁСОВА
суҳбатлашди.

Халқимизда «Юртинг тўкинлигини билмоқчи бўлсанг, энг аввало унинг бозорига бор», дея бежиз айтилмайди. Кунда эл қорига ярайдиган бозорларимиз қанчалик тўкин-сочин бўлса, у ердан бемалол хоҳлаган нарсангизни харид қилишингиз мумкин. Айниқса, бозорлар тиқилинч, «ур-сур»лардан холи бўлганига нима етсин. Харид қилишда кайфиятингиз ҳам бузилмайди, кўнглингиз хотиржам бўлади ва энг муҳими, бемалол танлаб, кўриб, дидингизга мос кийимни харид қилишингиз мумкин бўлади.

**БАРЧА
ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ**

Аҳолига ана шундай қулайликларни кўзлаб, шаҳримиздаги «Чорсу» бозори қайта қурилиб, унинг атрофида қўшимча дўконлар қатори ҳам бунёд этилди. Асосан февраль ойида бошлаб юборилган қурилиш ишларига «Мухлиса қиз» хусусий фирмаси бош пудратчи ҳисобланиб, ушбу фирма қурувчиларининг саъй-ҳаракатлари билан «Чорсу» бозори ёнида яна бир кичик бозор барпо этилди.

— Тез кунларда бунёдга келган ушбу бозорнинг умумий майдони 49 х 36 метрга тенг бўлиб, асосан 74 та дўкондан иборат, — дейди «Мухлиса қиз» фирмаси раҳбари Нурилла Йўлдошев. — Қурувчиларимиз бунёдкорлик ишларини «Чорсу» бозоридида қурилиш ишлари билан бир қаторда бошлаб юборишган эди. Ҳозирда қурилиш ва пардозлаш ишлари

ниҳоясига етиб, эндиликда бу ерда тозалаш юмушлари олиб боришмоқда.

Бир хил шакл ва кенгликдаги дўконлар тартиб билан ўрин олган бу бозорда қин кунларда халқ истеъмоли моллари сотувга чиқарилади. Шунингдек, тиқилинчлардан холи бўлган бу дўконларда харид қилган буюмингизни бемалол кийиб кўришингиз учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган, яъни ҳам сотувчи, ҳам харидорга қулай.

Бозорни айланар эканмиз, унинг ён-атрофидаги овқатланиш дўконларининг ҳам ўзига хос услубда қайта таъмирланаётганини кўриб қўйиб бўлди. Айниқса миллий услубни ўзида акс эттирган ошхоналарнинг ташқи кўриниши янги барпо этилган бозор кўркига ўзгача ҳусн бағишлаб турибди.

Орзугул РУСТАМОВА

Тадбирлар**МУРУВВАТ
КЎРСАТИЛДИ**

Меҳр нурли ёлқин, инсонларни бир-бирига жиپслаштирувчи ва боғловчи оҳанрабо риштадир.

Ўқинда Чилонзор туманидаги Лутфий номидаги маҳалласи ҳудудида жойлашган Глиэр номидаги маданият уйида «Меҳр қолур, оқибат қолур» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содикова, Шаҳар «Оила» маркази директори Гулнора Йўлчиева, фалсафа фанлари номзоди, доцент Жамила Шермухамедова «Меҳр қолур, оқибат қолур», «Саховат инсоний мурувватингиз хаётий ифодасидир», «Аёллар ҳуқуқлари ва эркинлиги» мавзуларида сўзга чиқдилар.

Лутфий маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси Хури опа Алимхўжаева меҳр ва мурувват, саховат ва қадр ҳаёт безаги, айни дамда инсоний бурчи эканлигини ва ана шу туйғулур туйғайлигина бу олам гўзал ва мафтункорлигини таъкидлади.

Меҳр кечаси давомида маҳалла фаоллари иштирокида меҳр-оқибат, инсонийлик, саховат сингари фазилатларни тараннум этувчи сахна кўринишлари намойиш қилинди. Томошадаги асосий ролларни Хури Алимхўжаева, 56-мактаб ўқитувчиси Саодат Нишонова, тарбиячи Гузал Охунова, 56-мактаб ўқувчиси Ўғиллой Абдуллаевалар маҳорат билан ижро этдилар.

Тадбир сўнгидида маҳалладаги 30 та кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларга совғалар тарқатилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Транспорт**ТЕХНИК
ИЗЛАНИШЛАР
САМАРАСИ**

Транспорт воситаларининг бир маромда ҳаракатда бўлишини таъминлашда турли эҳтиёт қисмлар ва узелларнинг тутган ўрни катта. Шу сабабли «Тошшаҳарйўловчигитранс» Давлат уюшмаси корхоналарида бу хил мосламаларни кўплаб ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Кейинги бир йил ичида 145 номдан иборат импорт ўрнини босадиган маҳсулот тайёрланди. «АРЗ-2» ҳиссадорлик жамияти тавсия этган техник қурилмаларга ҳам кўплаб буюртмалар берилмоқда.

«РЭМЭЛТРАНС» корхонасида чиқарилган эҳтиёт қисмлар хили 50 тага етади деб қолди, ЛАЗ, ДЭУ, «Отайўл» автобусларининг тормоз барабанлари, «МАЗ» моторини муштахкамлаш ўқи каби техник воситалар ҳам таъмирлаш ишларида кенг фойдаланилмоқда.

**МЕТРОПОЛИТЕН-
ДА МЕТРОЛОГИК
ХИЗМАТ**

Тошкент метрополитенида метрологик хизматдан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Бу эса ерости поездларининг бир меёрда ҳаракатланиши ҳамда хавфсизлигини таъминлашда кўл келаётган.

Метрологик хизмат орқали меҳнатнинг гигиени шароити яратилиб, атрофмуҳит муҳофазаси таъминланапти.

Метрополитеннинг метрологик таъминот бўлими ҳозир 20 хилдаги ўлчов асбоблари билан жиҳозланди.

Метронинг «Ўзбекистон» депосида бўлимнинг янги шохбачаси очилди. Натияжада ҳаракат таркибида таъмирлаш ишларини режали асосда ташкил этиш изчил амалга оширилмоқда.

**ЙИЛ ДАВОМИДА
АМАЛ ҚИЛИНАДИ**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси қотибятининг қарори бўйича ўтказилган йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳафталиги ўзининг яхши натижасини берди.

Бу оммавий тадбир республикамиз пойтахтида ҳам катта тайёргарлик билан амалга оширилди.

«Тошшаҳарйўловчигитранс» Давлат уюшмаси хавфсизлик ҳаракати бўлими томонидан «Йўл қондаси умр фойдаси», «Йўлларда болаларимизни асрайлик» каби тарихот шiorлари ёзилган паннолар тайёрланди.

Вазиятни инobatга олган ҳолда йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга доир плакатлар ҳам йўловчилар эътиборига ҳавола қилинди.

«Йўловчи ва транспорт» деган шior остида тайёрланган йўриқномага йил давомида амал қилиш режалаштирилди.

Акбар АЛИЕВ

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

«Хотира ва Қадрлаш куни халқимизни янада бирлаштиради, унинг руҳига малҳам бўлади, иродасини бақувват, иймонини бутун қилади».

Ислом КАРИМОВ

Байрамлари кўп юртнинг файзу таровати ўзгача бўлади. Мана шундай кутлуғ кунлар арафасида шаҳримиз нурга бурканади, янада кўркам ва файзли бўлиб кетади. Байрам шуқуҳи фақатгина одамлар қалбига қувонч бағишлаб қолмай, балки бутун борлиққа ўз таъсирини ўтказиши. Шундай кезларда шаҳар айлангинг, босиб ўтган йўлингга назар ташлаб, қилдинган ишларга сарҳисоб чиқаргинг келади.

Бу азалий одат бизни ҳам эрта тонгдан шаҳар кезишга чорлади. Хотира ва Қадрлаш куни яқинлашиб келаётганлиги сабабли сайлни Мустақиллик майдонидан бошлашга жазм этдик. Дастлаб Мотамсаро она пойида туриб, таъзим бажо келтиришни фарзандлик бурчимиз деб билдик.

Мажмуа қаршисидаги мангу оловга тикилиб ҳаялга толамиз. Қаранг, орадан ярим асрдан ортиқ вақт ўтиб, машғум уруш олови аллақачонлар сўнган бўлсада, лекин унинг асорати бир умрлик армонга айланиб, оналаримизнинг юракбағрини мисли олов сингари ёндириб келаётганига ушбу манзаранинг ўзи шоҳид.

Ғамбода она атрофи тобора зиёратчилар билан гавжумлашиб борапти. Онанинг мунгли қарашларидан шундай сўзларни уқамиз. «Келинг, келаверинг, азизларим, бу муқаддас жой. Унинг ҳоқини кўзингизга суртсангиз арзийди. Майдон пешайвони тоқчасига бир қаранг. У ерда ёзилган ёдгорлик лавҳаларида минглаб жигаргўшаларингиз, боболарингизнинг номлари битилган. Уларни дилга, тилга олиб хотирласангиз кўнглингиз обод, руҳингиз шод бўлади. Ўша машғум уруш қанча-қанча навқирон жонларни ўзи билан бирга йўқлик қаърига олиб кетди. Ҳали яшашга ҳақли бўлган неча-неча одамларнинг ёстиғини қуритди. Улардан ота меҳрига тўймаган фарзандлар қолди. Жигар-бағри қонга тўлган оналар, аламзада оталар қолди. Ҳали чимилдиқдан чиқиб улгурмай сеvimли ёридан айрилган бева келинлар қолди. Уларнинг қанча-қанчаси ҳали ҳам меҳрибонларидан жудо бўлганларига ишонмай умид билан эшикка термулиб ўтиришибди. Шундай экан, тинчликнинг қадрига етинг, болажонларим».

Мотамсаро она обидаси атрофини зиёрат қила туриб, яна бир гап дилимиздан ўтди. Бугун бутун олам аҳлини танг қолдирган бу мўъжизакор мажмуани яратиш ташаббускори бўлган Юртбошимиз шаънига дилимиздан қуйилиб келаётган эзгу тилакларни изҳор этгимиз келди. Бугун бу ноёб ёдгорликни бунёд этишда қатнашган ижодкору, қурувчиларга, теvarак-атрофни чарогон қилиб қўйган қўли гул кишилар меҳнатига тасаннолар айтгимиз келди. Майдонга чинакам кўрк бағишлаган бу мажмуа шаҳримиз номи

билан боғлиқлигини эслаб қалбимиз гуруру ва ифтихор туйғуларига тўлди.

Обидага битилган: «Сен доим қалбимдасан, жигарим» деган сўзлар гўё онанинг фарзандига бўлган меҳрини ифодалаш билан бирга одамларни ҳушёрликка чорлаб тургандек. Гўё бу сўзлар авлодларга ўша даҳшатли йиллар хотирасини эслатиб, уларни бугунги ёруғ кунларнинг қадрига етишга, тинчликни муқаддас билишга ундаётгандек бўлиб туюлади. 9 майнинг Юртбошимиз томонидан Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинишининг боиси ҳам ана шунда. Ўшандаёқ бу тақлиф барчанинг ди-

дик. Раҳмат, сизлар ҳам бизни унутмабсизлар. Бахтимиз қўёси ярқирагани шуки, йиллар ўтса-да исиз кетмадик. Номларимиз халқимиз тилида эъзозланди, мангуликка дахлдор бўлди», дея ҳайқираётгандек туюлади. Бугун аниқ айта оламизки, ўша жон олиб, жон берилган кунларда қўлида қурол тутган баҳодирларимиз ҳар лаҳзада отилажак ўқ ҳаётларига сўнги нуқта қўйишини ҳис этиб турсаларда, ажал олдида бошларини мағрур тутишган. Улардаги ҳаётга чанқоқлик нафаси ҳар лаҳзада сезилиб турсада, она-Ватан, эл-улусга фидойилик, йигитлик бурчи уларга куч-қувват, темир матонат, енгилмас ирода бахш этган.

Китобнусаха темир дафтарга битилган ёзувларга тикилиб турганлар орасида турли миллат кишиларини учратиш мумкин. Уларнинг ўткир нигоҳлари қадалган кўзларида дам ҳаяжон, дам мунгли алам ифодаланган. Кекса отахон ва онахонларимиз кипригида ёш гилтиллади. Уларнинг ҳаммаси йўқотган узоқ-яқинлари, оталари, акалари, қонқариндошларини худди шу ердан топгандек.

Ўз яқинларини хотирлаб зиёрат

қилишга келган одамлар билан суҳбатлашамиз. Уларнинг тилларида «Урушнинг номи ўчсин, тинчлигимизга кўз тегмасин», деган сўз тез-тез такрорланади. Бир қизалоқ қўлидан етаклаб олган кўзи ожиз қарияни тўхташиб суҳбатга тортиди. У миллати рус бўлса ҳам биз билан соф ўзбек тилида гаплашди.

— Ўша оғир йилларда оиламиз билан Санкт-Петербург (собиқ Ленинград)да яшардик. Бомба портлаши натижасида оиламиз бутунлай ҳалок бўлди. Менинг эса кўзим ожиз бўлиб қолди. Кейин яхши одамлар паноҳида Тошкентга келдим. Бағри кенг ўзбеклар менга меҳр-муруват кўрсатишди. Улар даврасида ҳеч нарсага зорикмай катта бўлдим. Тошкентда бахтимни топдим, оила қурдим. Ҳозир Чилонзорда истиқомат қиламан. Болаларим ҳам, невараларим ҳам бутунлай ўзбеклашиб кетган. Ҳар йили Хотира ва Қадрлаш куни арафасида набирам билан шу майдонга келаман. Барча қатори уни зиёрат қиламан. Маҳалламиз аҳил ва иноқ. Ҳар йили биз кексаларга ўзимизга хос хурмат ва эҳтиром кўрсатишди, камтарона меҳнатимиз қадрланади.

Бугун хотираси ёд этилаётган авлодларга бўлган эл-юрт хурмат ва эътибори беихтиёр оташнафас шior Ҳамид Олимжоннинг қўйидаги мисраларини ёдга солиди:

Жисмимиз йўқолур, ўчмас

номимиз,

Ғалаба тўйида бўлармиз, биз ҳам.

Азиз дўстлар билан учрашиб,

хандон,

Қадрон элларга қўярмиз қадам.

Ҳа, чиндан ҳам Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган инсонларнинг номи мангуликка дахлдор. Гарчи уларнинг жисмлари йўқолсада, номлари биз билан абадий барҳаёт. Бугун орамизда қадр-қиммат топиб юрган кексаларимизни қадрлаш эса биз ёшларнинг муқаддас бурчимиз.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

**УЛАР ЯШАШГА
ҲАҚЛИ ЭДИЛАР**


лидаги айна мударо бўлган эди. Бинобарин, хотирлаш ибораси урушда ҳалок бўлганларга тегишли бўлса, қадрлаш сўзи тирикларга хосдир. Қани, энди бир йўлаб кўрингчи, суронли йиллар машаққатини бошидан ўтказиб, ўз юртига соғомон қайтганлар, уруш орти — меҳнат фронтда туриб қуролдошларимизга ғалабини тезлатиш учун зарурий ёрдамни аямаган, ҳозирда ҳаёт бўлган фахрийларимиз ва кексаларимиз чеккан заҳматлар ҳар қанча қадрга арзигулик эмасми? Бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган нурунийларимизга муносиб иззат-икром кўрсатиш бизнинг фарзандлик бурчимиз эмасми?

«Хотира нафақат ўтмишни унутмаслик, балки бугун ҳаётимизнинг қадрига етиш, эртанги кунни тўғри тасаввур этиш демакдир, — деган эди Президентимиз. — Хотира инсонни келажакка очиб кўз билан қарашга ўргатади. Шу боис, бугунги ёшлар оталаримизнинг юртимиз эрки ва озодлиги, миллатимиз равнақи йўлида чеккан заҳматлари, кўрсатган жасоратларини унутмаслиги, улардан ибрат олиб яшашлари даркор. Қадрлаш эса, хонадонларимизга файзу барақа бағишлаб, қилаётган эзгу ишларимизга оқ фотиҳа тилаган қарияларимизнинг хурматини жойига қўйишдир. Зеро, мўътабар отахон ва онахонларимизни ҳаётлигида қадрлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир».

Ҳаёллар оғушида пешайвон томон юрамиз. Эл-юрт фарзандларининг номлари битилган ёдгорлик лавҳаларини бирма-бир варақлаётган инсонлар қаторидан жой оламиз. Зарҳал ҳарфлар билан битилган бу лавҳаларда қанча-қанча номлар зикр этилган. Уларни санаб адоғига етиш қийин. Бу жонсиз номлар бир овоздан: «Авлодлар, биз сизларни севар-

СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга касба уюшмалари томонидан катта эътибор берилади. Зеро, спорт кишиларни jisмоний жиҳатдан бакуват, руҳан тетик, соғлом бўлишига хизмат қилади. Ёнилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касба уюшмаси шахар кўмитасида ҳам бу борада қатор тadbирлар амалга оширилмоқда.



Спортни янада жонлантириш мақсадида 2005 йилга қадар тармоқ мажмуаий дастури ишлаб чиқилиб, унга бир қатор тadbирлар киритилган. 500 ва ундан ортиқ кишилар ишлайдиган корхоналарда jisмоний тарбия ва спорт йўриқчиси лавозимини жорий этиш, оддий бўлсада спорт иншоотларини барпо қилиш, мавжуд спорт иншоотларини таъмирлаш, спортнинг оммавий турлари бўйича тармоқ спартакиадалари, турнирларини ўтказиш, спорт жўзolari, инвентарлари сотиб олиш, ушбу мақсадлар учун зарур маблағларни ажратиб каби юмушлар шулар жумласидандир. Тармоқ касба уюшмаси шахар кўмитаси режа асосида тармоқ «Нурич» маданий-соғломлаштириш спорт клуби билан биргаликда ҳар йили аҳолининг кенг қатламларини қамраб олган ҳолда «Отам, онам ва мен — спортчи ва соғлом оила» тadbирини, тўрт вазн тоифаси асосида кураш миллий спорти бўйича мусобақаларни, ёш бўйича иккита тоифа асосида теннис турнирини ва спортнинг олти тури бўйича гоёт оммалашган спартакиадаларни ўтказиб келимoқда. Спартакиадаларнинг берилми ва иккинчи босқичида 12000 нафар

ишчи-хизматчи қатнашган бўлса учинчи босқичида эса 600 нафар киши фаол иштирок этди. Мўҳими галабагина эмас иштирок этиш, соғлиқни мустаҳкамлаш, дўстлар орттириш десак адашмаймиз. Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб тармоқ касба уюшмаси шахар кўмитасининг соврини учун «Отам, онам ва мен — спортчи ва соғлом оила» оилавий мусобақаси ўтказилди. Унда 20 та оилавий жамоалар спортнинг бешта тури бўйича беллашиб, «Узэлектртармоқ» шўба корхонасининг спорт шарафини химоя қилган Тоштемировлар оиласи мусобақада голиб чиқди. Кескин бахсларда «Узтрансгаз» акциядорлик компанияси ишчиси Тургуновлар оиласи фахрли иккинчи ва энергоавтоматлаштирилган бошқарув тизимларини солаш ишлаб чиқариш ва ишлатиш шўба корхонаси ишчиси Нестеренколарнинг оиласи учинчи ўринларни эгалладилар. Фолиб ва совиндорларга ҳамда ҳар бир иштирокчи оилавий жамоага эсдалик совагалари, болаларга эса ширинликлар ҳадя этилди. Шақ-шубҳасиз, бундай қизиқарли мусобақалар иштирокчиларга завқ-шаўқ бағишлайди.

ди. Спорт барчани тармоқга ошно қилиб, эзгулик сари етаклайди. Бундан ташқари тармоқ касба уюшмаси шахар кўмитаси мусобақаларни ташкил этиш билан бирга унинг терма жамоаси шахар касба уюшмалари jisмоний тарбия-спорт жамияти томонидан ўтказиб келинаётган барча мусобақалар, турнирлар ва спартакиадаларда фаол қатнашиб соврини ўринларни эгалламоқда. Ҳозирги кунда эса тармоқ бўйича бўлиб ўтадиган аънаваней кураш мусобақасига терма жамоамиз аъзолари пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. **Ботир АШУРБОВЕВ, тармоқ касба уюшмаси шахар кўмитаси ташкилий ишлар бўлимининг мудири. Александр ПРОТОПОПОВ, «Нурич» республика тармоқ jisмоний тарбия ва спорт жамоаси спорт клуби йўриқчиси.** **СУРАТДА: ёнилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касба уюшмаси шахар кўмитаси корхоналарида ташкил этилаётган спорт мусобақаларидан лавҳа.**

МЕҲР БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

Наврўз умумхалқ байрами меҳр-мурувватни улуглаш, озодалик, покликка эътибор қаратиш, ободончилик, кўкаламзорлаштиришдек хайрли ишларнинг изчил давом эттирилиши билан халқимизнинг боқий ҳамда бетакрўб қадриятларига айланиб минг йиллар оша яшаб кетмоқда.

Жумладан, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси шахар кўмитаси тасарруфидаги корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларда ўтказилган тadbирларда уруш ва меҳнат фахрийлари байрамона дастурхоннинг азиз меҳмони бўлиб, муборакбод этилди. Бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг мазмуни бадиий дастури ва кизикарли учрашувлар барчада яхши таассурот қолдириб,

байрам сайиллари ҳамда томошалари уюштирилди. Тармоқ меҳнат аҳлининг 1000 нафар фарзандлари маданий-оммавий байрам тadbирларида иштирок этдилар. «Ҳашар — элга ярашар» дейди халқимиз. 13-14 март куни меҳнат жамоаларида ўтказилган умумхалқ ҳашарида тармоқ меҳнат аҳли фаол қатнашди. Хайрия ҳашаридан тушган 28 миллион сўм миқдордаги маблағ «Маҳалла»

дан томонлар тарафидан аҳоли ва меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, оммавий jisмоний тарбия ва маданий ишлар борасида бир қатор тadbирлар амалга оширилди. Шаҳар ҳокимлиги томонидан аҳолининг кам таъминланган қатламларига ёрдам кўрсатиш борасида 16 ёшгача боласи бор 263038 та оилаларга 1537,3 миллион сўм миқдорда нафақа тўланди, 65135 та кам таъминланган оилаларга 557,5 миллион сўмлик моддий ёрдам пули берилди. Ишламайдиган оналарга боласи икки ёшга тўлгунча қадар уни парварош қилиш бўйича нафақаларни тўлаш маҳалла кўмиталари орқали амалга оширилмоқда. Ёил давомида

нингдек, санаторий-профилакторийларда 8647 нафар, дам олиш уйлари, пансионатларда 8666 нафар меҳнаткашлар ўз соғлиқларини тикладилар. В.Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуасининг соғломлаштириш гуруҳларида меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида меҳнат қилаётган 17500 нафар меҳнаткашлар ўз саломатликларини мустаҳкамладилар. Меҳр ва мурувват — халқимизга хос азалий одатдир. Барча тармоқ касба уюшмаларининг шахар ташкилотлари тасарруфидаги корхоналар маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган, ёлғиз, ногирон, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида умумхалқ байрамлари кунларида 33 миллион 670 миң сўмга яқин миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётган пенсия ёшидаги ходимлар, илгор ишчилар, меҳнат ва уруш қатнашчиларини касба уюшмалари қарашли шихатқоғларда дам олдириш ва соғломлаштириш учун уларга 189 та имтиёзли йўлланмалар берилди. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларига эга бўлган корхоналар ўз оталигидаги маҳаллалардаги кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларига 750 та имтиёзли йўлланмаларни тақдим этди. Хат ортида инсон бор деб бежиз айтилмаган. Уларнинг мушқулини осон этиш, баҳоли қудрат ёрдам бериш касба уюшмалари фаолиятининг диққат марказидадир. Шаҳар касба уюшмалари Кенгашида ва унинг тасарруфидаги тармоқ кўмиталарида ҳисобот даврида фуқароларнинг 240 та ёзма ва 3051 та оғзаки мурожаатлари кўриб чиқилди. Езма мурожаатларнинг 78 фоизи ижобий ҳал этилди, қолганларини бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Меҳнат қонунчилигига риоя қилиш бўйича 249 та корхона фаолияти ўрганиб чиқилди, улардан Меҳнат кодекси бўйича 104 та, бандлик қонуни бўйича 24 та, меҳнат муҳофазаси Қонуни бўйича 117 та корхона қамраб олинди. Меҳнат аҳлининг манфаатларини химоя қилишда ҳамкорлик билан ягона эзу мақсадлар йўлида ижтимоий шерикчилик тамойилини амалга ошириш билан бирга бошланғич касба уюшмалари фаолларининг малакасини, ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини янада оширишга катта эътибор қаратиш, шақ-шубҳасиз ўзининг ижобий самарасини беради. **Бахтиёр ҲАМИДОВ, Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химоялаш бўлими мудири.**

ИЖТИМОИЙ ХИМЮЯ

Тошкент шаҳар касба уюшмалари Кенгашининг саҳифаси

Шаҳар касба уюшмалари Кенгаши раиси Мирзехид Содиқов раёсат йиғилишини очиб, шахар меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда қонуний ҳуқуқларини химоя қилишда мазкур Келишув муҳим аҳамият касб этаётганлигини таъкидлади. Зеро, ижтимоий химюяни амалга оширишда ижтимоий шерикчилик тамойилининг самарали эканлигини давр кўрсатмоқда. Келишув шартларининг бажарилиши бўйича шахар касба уюшмалари Кенгаши хизматига кирган 9861 та юридик шахс мақомига эга бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 2964 тасида жамоат шартномалари қабул қилинган бўлиб, улар 4301 та бошланғич ташкилотларга нисбатан татбиқ этилди. Ушбу муҳим юридик ҳужжат — жамоат шартномалари орқали 494 миң 700 нафардан зиёд меҳнат аҳлининг манфаатлари қамраб олинди. Қабул қилинган жамоат шартномалари ва келишувларининг йил якунлари бўйича бажарилиши шахар касба уюшмалари Кенгаши ва тармоқ кўмиталари томонидан мунтазам равишда таҳлил қилиб борилмоқда. Жумладан, жамоат шартномалари орқали йил давомида ўрта ҳисобда ҳар бир ходим иш ҳақининг оширилиши 2003 йилда 90697 сўмини ташкил этиб, 2002 йилга нисбатан 23 фоизга, ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар 2003 йилда 39370 сўм бўлиб, 2002 йилга кўйслаганда 51 фоизга ва соғломлаштиришга кетган сарф-харажатлар 2003 йилда 13453 сўмини ташкил этиб, 2002 йилга нисбатан 6 фоизга ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишга 2003 йилда 14520 сўм миқдорда маблағ сарфланган бўлса, бу кўрсаткич 2002 йилга таққослаганда 16 фоизга ўсди.

меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича йил сайин камайиб бормоқда. Бу бошланғич касба уюшма кўмиталари томонидан соғлом иш шaroитларини яратиш, ёлғиз таътил кунларида меҳнаткашларни ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришда мавжуд дам олиш базаларини таъмирлаш, жиҳозлаш ва улардан унумли фойдаланиш масалаларига эътибор сусайиб кетганлигини кўрсатмоқда. Меҳнат муҳофазаси бўйича, хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш, иш жойларини шаҳодатлаш ҳамда махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа шахсий химюя воситалари билан таъминлаш масалаларига ҳам эътибор талаб даражасида эмас. 2003 йил мобайнида шахар бўйича ишлаб чиқаришда содир бўлган 56 та бахтсиз ҳодиса ҳисобга олинган бўлиб, уларнинг 17 таси ўлим билан тугаган, 39 таси эса оқибати оғир ҳодисалардир. Ушбу ҳодисаларнинг 55 таси бўйича махсус текширувлар ўтказилган. Текшириш натижалари чора кўриш учун прокуратура органларига юборилди. Давлат меҳнат техник инспекцияси ходимлари 13 та объектларни фойдаланишга топшириш комиссияларида қатнашишган. Меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилиги бўйича аниқланганлиги ва инсон ҳаётига хавф солувчи омиллар топилганини сабабли 1 та корхона ва 17 та дастоҳларнинг иш фаолияти вақтинча тўхта-тилган. Меҳнат қонунчилиги ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва меъёрларини бузганлиги учун 159 та мансабдор шахс жавобгарликка тортилган бўлиб, улардан 3 таси давлат меҳнат техник инспекторлари тақлифига кўра ишдан озод этилди. 155 та мансабдор шахсга нисбатан 2503095 сўм миқдорда жарима қўлланилган. Бугунги кунда кўпчилик корхона ва ташкилотлар олдида турган муаммолардан бири, бу — иш ҳақидан қарздорлик. Айрим корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли ишчи ва хизматчилар ўз вақтида ойлик маошларини ололмагилар.

интисомини мустаҳкамлаш Тошкент шаҳар комиссиялари 2003 йилда туман комиссиялари билан биргаликда иш ҳақи қарздорлигига йўл қўйган ташкилот ва корхона ишларини комиссия мажлисларида 1457 мартаба кўриб чиқдилар, шулардан 155 та корхона раҳбарларига 3130,4 миң сўм жарима солинди, иш ҳақи қарздорлигига йўл қўйган корхоналарнинг иши 130 ҳолатда прокуратура идораларига оширилди. Вужудга келган вазиятни ўрганиб чиқиб,

дан томонлар тарафидан аҳоли ва меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, оммавий jisмоний тарбия ва маданий ишлар борасида бир қатор тadbирлар амалга оширилди. Шаҳар ҳокимлиги томонидан аҳолининг кам таъминланган қатламларига ёрдам кўрсатиш борасида 16 ёшгача боласи бор 263038 та оилаларга 1537,3 миллион сўм миқдорда нафақа тўланди, 65135 та кам таъминланган оилаларга 557,5 миллион сўмлик моддий ёрдам пули берилди. Ишламайдиган оналарга боласи икки ёшга тўлгунча қадар уни парварош қилиш бўйича нафақаларни тўлаш маҳалла кўмиталари орқали амалга оширилмоқда. Ёил давомида

нингдек, санаторий-профилакторийларда 8647 нафар, дам олиш уйлари, пансионатларда 8666 нафар меҳнаткашлар ўз соғлиқларини тикладилар. В.Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуасининг соғломлаштириш гуруҳларида меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида меҳнат қилаётган 17500 нафар меҳнаткашлар ўз саломатликларини мустаҳкамладилар. Меҳр ва мурувват — халқимизга хос азалий одатдир. Барча тармоқ касба уюшмаларининг шахар ташкилотлари тасарруфидаги корхоналар маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган, ёлғиз, ногирон, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида умумхалқ байрамлари кунларида 33 миллион 670 миң сўмга яқин миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётган пенсия ёшидаги ходимлар, илгор ишчилар, меҳнат ва уруш қатнашчиларини касба уюшмалари қарашли шихатқоғларда дам олдириш ва соғломлаштириш учун уларга 189 та имтиёзли йўлланмалар берилди. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларига эга бўлган корхоналар ўз оталигидаги маҳаллалардаги кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларига 750 та имтиёзли йўлланмаларни тақдим этди. Хат ортида инсон бор деб бежиз айтилмаган. Уларнинг мушқулини осон этиш, баҳоли қудрат ёрдам бериш касба уюшмалари фаолиятининг диққат марказидадир. Шаҳар касба уюшмалари Кенгашида ва унинг тасарруфидаги тармоқ кўмиталарида ҳисобот даврида фуқароларнинг 240 та ёзма ва 3051 та оғзаки мурожаатлари кўриб чиқилди. Езма мурожаатларнинг 78 фоизи ижобий ҳал этилди, қолганларини бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Меҳнат қонунчилигига риоя қилиш бўйича 249 та корхона фаолияти ўрганиб чиқилди, улардан Меҳнат кодекси бўйича 104 та, бандлик қонуни бўйича 24 та, меҳнат муҳофазаси Қонуни бўйича 117 та корхона қамраб олинди. Меҳнат аҳлининг манфаатларини химоя қилишда ҳамкорлик билан ягона эзу мақсадлар йўлида ижтимоий шерикчилик тамойилини амалга ошириш билан бирга бошланғич касба уюшмалари фаолларининг малакасини, ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини янада оширишга катта эътибор қаратиш, шақ-шубҳасиз ўзининг ижобий самарасини беради. **Бахтиёр ҲАМИДОВ, Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химоялаш бўлими мудири.**

нингдек, санаторий-профилакторийларда 8647 нафар, дам олиш уйлари, пансионатларда 8666 нафар меҳнаткашлар ўз соғлиқларини тикладилар. В.Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуасининг соғломлаштириш гуруҳларида меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида меҳнат қилаётган 17500 нафар меҳнаткашлар ўз саломатликларини мустаҳкамладилар. Меҳр ва мурувват — халқимизга хос азалий одатдир. Барча тармоқ касба уюшмаларининг шахар ташкилотлари тасарруфидаги корхоналар маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган, ёлғиз, ногирон, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида умумхалқ байрамлари кунларида 33 миллион 670 миң сўмга яқин миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётган пенсия ёшидаги ходимлар, илгор ишчилар, меҳнат ва уруш қатнашчиларини касба уюшмалари қарашли шихатқоғларда дам олдириш ва соғломлаштириш учун уларга 189 та имтиёзли йўлланмалар берилди. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларига эга бўлган корхоналар ўз оталигидаги маҳаллалардаги кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларига 750 та имтиёзли йўлланмаларни тақдим этди. Хат ортида инсон бор деб бежиз айтилмаган. Уларнинг мушқулини осон этиш, баҳоли қудрат ёрдам бериш касба уюшмалари фаолиятининг диққат марказидадир. Шаҳар касба уюшмалари Кенгашида ва унинг тасарруфидаги тармоқ кўмиталарида ҳисобот даврида фуқароларнинг 240 та ёзма ва 3051 та оғзаки мурожаатлари кўриб чиқилди. Езма мурожаатларнинг 78 фоизи ижобий ҳал этилди, қолганларини бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Меҳнат қонунчилигига риоя қилиш бўйича 249 та корхона фаолияти ўрганиб чиқилди, улардан Меҳнат кодекси бўйича 104 та, бандлик қонуни бўйича 24 та, меҳнат муҳофазаси Қонуни бўйича 117 та корхона қамраб олинди. Меҳнат аҳлининг манфаатларини химоя қилишда ҳамкорлик билан ягона эзу мақсадлар йўлида ижтимоий шерикчилик тамойилини амалга ошириш билан бирга бошланғич касба уюшмалари фаолларининг малакасини, ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини янада оширишга катта эътибор қаратиш, шақ-шубҳасиз ўзининг ижобий самарасини беради. **Бахтиёр ҲАМИДОВ, Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химоялаш бўлими мудири.**

МУҲИМ МАСАЛА МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Касба уюшмалари фаолиятида меҳнат аҳлининг қонуний ҳуқуқ ҳамда ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химюя қилиш асосий ўринни эгаллайди. Шаҳар касба уюшмалари Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган раёсатида шахар ҳокимлиги билан пойтахт касба уюшмалари Кенгаши ўртасида 2003-2004 йилларда аҳоли ва меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химюя қилиш бўйича ҳамкорлик ҳақидаги Келишувнинг 2003 йилдаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

шаҳар касба уюшмалари Кенгаши Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда «Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича Ҳаракат тартиби» ишлаб чиқди ва ижро учун барча тармоқ касба уюшмалари шахар ташкилотларига юборди. Натижада ҳисобот даврида 70 дан ортиқ корхона раҳбарларига расмий талабномалар қўйилиб, 1 миллиард 428 миллион 206 миң сўм миқдорда иш ҳақидан қарздорлик ундирилди. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари олдига қўйилган 28 та расмий талабномалар орқали 130 миллион 349 миң 700 сўм миқдордаги иш ҳақидан қарздорликнинг ундирилишига эришилди. Иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорликни бартараф этиш масалалари 44 та бошланғич касба уюшма ташкилотларида, 20 та касба уюшма органларининг раёсат мажлисларида, 20 дан ортиқ меҳнат жамоаларининг умумий мажлисларида кўриб чиқилди. Юқорида айтиб ўтилган масалалар атрофида муҳокама қилиниб, тармоқ касба уюшмаларининг шахар ташкилотлари раҳбарларига мавжуд иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш, меҳнаткашларни соғломлаштириш ҳамда меҳнат муҳофазаси масалаларига эътиборларини янада кучайтириш ва назоратга олишлари тўғрисида қарор қабул қилинди. Келишув шартларининг бажарилиши юзаси-

дан томонлар тарафидан аҳоли ва меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, оммавий jisмоний тарбия ва маданий ишлар борасида бир қатор тadbирлар амалга оширилди. Шаҳар ҳокимлиги томонидан аҳолининг кам таъминланган қатламларига ёрдам кўрсатиш борасида 16 ёшгача боласи бор 263038 та оилаларга 1537,3 миллион сўм миқдорда нафақа тўланди, 65135 та кам таъминланган оилаларга 557,5 миллион сўмлик моддий ёрдам пули берилди. Ишламайдиган оналарга боласи икки ёшга тўлгунча қадар уни парварош қилиш бўйича нафақаларни тўлаш маҳалла кўмиталари орқали амалга оширилмоқда. Ёил давомида

нингдек, санаторий-профилакторийларда 8647 нафар, дам олиш уйлари, пансионатларда 8666 нафар меҳнаткашлар ўз соғлиқларини тикладилар. В.Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуасининг соғломлаштириш гуруҳларида меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида меҳнат қилаётган 17500 нафар меҳнаткашлар ўз саломатликларини мустаҳкамладилар. Меҳр ва мурувват — халқимизга хос азалий одатдир. Барча тармоқ касба уюшмаларининг шахар ташкилотлари тасарруфидаги корхоналар маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган, ёлғиз, ногирон, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида умумхалқ байрамлари кунларида 33 миллион 670 миң сўмга яқин миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётган пенсия ёшидаги ходимлар, илгор ишчилар, меҳнат ва уруш қатнашчиларини касба уюшмалари қарашли шихатқоғларда дам олдириш ва соғломлаштириш учун уларга 189 та имтиёзли йўлланмалар берилди. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларига эга бўлган корхоналар ўз оталигидаги маҳаллалардаги кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларига 750 та имтиёзли йўлланмаларни тақдим этди. Хат ортида инсон бор деб бежиз айтилмаган. Уларнинг мушқулини осон этиш, баҳоли қудрат ёрдам бериш касба уюшмалари фаолиятининг диққат марказидадир. Шаҳар касба уюшмалари Кенгашида ва унинг тасарруфидаги тармоқ кўмиталарида ҳисобот даврида фуқароларнинг 240 та ёзма ва 3051 та оғзаки мурожаатлари кўриб чиқилди. Езма мурожаатларнинг 78 фоизи ижобий ҳал этилди, қолганларини бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Меҳнат қонунчилигига риоя қилиш бўйича 249 та корхона фаолияти ўрганиб чиқилди, улардан Меҳнат кодекси бўйича 104 та, бандлик қонуни бўйича 24 та, меҳнат муҳофазаси Қонуни бўйича 117 та корхона қамраб олинди. Меҳнат аҳлининг манфаатларини химоя қилишда ҳамкорлик билан ягона эзу мақсадлар йўлида ижтимоий шерикчилик тамойилини амалга ошириш билан бирга бошланғич касба уюшмалари фаолларининг малакасини, ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини янада оширишга катта эътибор қаратиш, шақ-шубҳасиз ўзининг ижобий самарасини беради. **Бахтиёр ҲАМИДОВ, Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химоялаш бўлими мудири.**

Ёнилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касба уюшмаси шахар кўмитаси ва унинг тасарруфидаги корхона ва ташкилотларнинг касба уюшма кўмиталари ҳозирги даврда асосий эътиборини меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химюя қилишга қаратмоқдалар. Бу ишларни амалга оширишда қабул қилинган тармоқ келишувлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

ЙИЛНИНГ ЯНГИ ШАРТНОМАЛАРИ

Мазкур юридик ҳужжатлар асосида 155 та бошланғич ташкилотларга нисбатан 105 та жамоат шартномаси татбиқ этилиб, улар орқали 38 миң нафардан зиёд меҳнаткашларнинг манфаатлари химюя қилинмоқда. 2004 йил учун тузилган янги жамоат шартномаларида меҳнат ва дам олиш, меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш, меҳнатни рағбатлантириш, ходимларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ўқитиш ва малакаларини ошириш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан химюялаш ва соғломлаштириш, шунингдек уларга қўшимча имтиёз ва кафолатлар киритилишига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек таъкидлаб ўтиш лозимки, жамоат шартномаларида кўрсатилган йўналишлар бўйича барча кўрсаткичлар 2003 йилда 95 фоизга бажарилди ва бугунги кунга 16 миллиард 242 миллион сўм миқдордаги маблағ сарфланди. Жумладан, жамоат шартномалари орқали ҳар бир ходимнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун ўртача ҳисоблаганда 2001 йилда 174,2 миң сўм, 2002 йилда 269,3 миң сўм ва 2003 йилда 418,2 миң сўм маблағ сарфланган.

қатор тadbирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йил мобайнида тегишли компания ва корхоналар раҳбариятига 30 дан ортиқ талабномалар, маҳаллий ҳокимият ва тегишли банк муассасаларига 50 дан ортиқ расмий мурожаатномалар ва прокуратура органларига тақдимномалар киритилди. Иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш ҳамда унга йўл қўймаслик бўйича касба уюшмаси шахар кўмитаси ва корхоналар ҳамда ташкилотларнинг олиб борилаётган ишлари ва жойларда ташкил қилинган меҳнат маслаҳатим-кечаклар билан таъминлаш учун корхона ҳисобидан бир миллиард 337 миллион сўм ва касба уюшма ҳисобидан олти миллион сўмга яқин миқдорда маблағ сарфланган. Тўрт миң нафардан ортиқ эътибор қаратилган. Шунингдек уларга қўшимча имтиёз ва кафолатлар киритилишига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек таъкидлаб ўтиш лозимки, жамоат шартномаларида кўрсатилган йўналишлар бўйича барча кўрсаткичлар 2003 йилда 95 фоизга бажарилди ва бугунги кунга 16 миллиард 242 миллион сўм миқдордаги маблағ сарфланди. Жумладан, жамоат шартномалари орқали ҳар бир ходимнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун ўртача ҳисоблаганда 2001 йилда 174,2 миң сўм, 2002 йилда 269,3 миң сўм ва 2003 йилда 418,2 миң сўм маблағ сарфланган.

Иш ҳақидан қарздорлик долзарб масалалардан ҳисобланади. Тармоқ касба уюшмаси шахар кўмитаси тасарруфидаги корхоналар ва ташкилотлар билан биргаликда ушбу масалалани ҳал этиш борасида

қатор тadbирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йил мобайнида тегишли компания ва корхоналар раҳбариятига 30 дан ортиқ талабномалар, маҳаллий ҳокимият ва тегишли банк муассасаларига 50 дан ортиқ расмий мурожаатномалар ва прокуратура органларига тақдимномалар киритилди. Иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш ҳамда унга йўл қўймаслик бўйича касба уюшмаси шахар кўмитаси ва корхоналар ҳамда ташкилотларнинг олиб борилаётган ишлари ва жойларда ташкил қилинган меҳнат маслаҳатим-кечаклар билан таъминлаш учун корхона ҳисобидан бир миллиард 337 миллион сўм ва касба уюшма ҳисобидан олти миллион сўмга яқин миқдорда маблағ сарфланган. Тўрт миң нафардан ортиқ эътибор қаратилган. Шунингдек таъкидлаб ўтиш лозимки, жамоат шартномаларида кўрсатилган йўналишлар

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАҚИҚАТ ДОМО БУЛУ...

• Нодон дўстан кўра, ёлғизлик яхши. У дўст бўла туриб шундай кунларни бошга соладики, кейин душман чангалидан қочиб қутулмайсан.

• Сўраб-суриштирмай ҳар қандай одам билан дўстлашган кишининг ўзи нодон.

• Заиф, кўроқ, алдамчи дўстдан душман афзал.

ҚИССА. Туя билан тулки ҳар ишда ҳамдам ва ҳамдард бўлишга аҳд-паймон қилишди. Бир куни тулки ўзича ов қилиб юрган экан оч шерга дуч келиб қолибди. Шер унга ташланмоқчи бўлиб турганда тулки унга ёлворибди:

— Эй хайвонлар бобоси, шафқат қилинг, мен сизга яқин орада юрган азиз дўстим туяни кўрсатаман. У басавлат, сергўшт, мен эса бир кичик озгин нотавон махлўқман.

Шер дебди:

— Аввал сени даф қиламан, кейин дўстингни тутиб ейман.

Шер ташланиб, тулкини бурдалаб ебди, сўнг туяни топиб уни ҳам ҳалок этибди.

ҲИССА. Дўст танлашда шошилмаслик керак, аввал уни синаб, сўнг эътиمود этмоқ даркор. Ўзингиз ҳам дўстлик ипларини бевафолик, ғадорлик болтаси билан узманг. Илло, сизнинг бошингизга ҳам хийлагар тулкининг куни тушмасин.

Байт:
Кимки дўстликни
хор айлабди, уни —
Қисмат жазолагай —
чиқиб туттун.

• Тўғри йўлдан юрган одам номусли, берган ваъдасида қаттиқ турувчи бўлади. Ҳеч кимни алдамайди. Тўғрилиқдан ажралмайди, тўғрилиқнинг энг улғу фазилат эканини билади.

• Фазилатли, олижаноб одам фақат ўз фойдасинигина кўзламайди. Халқ манфаати учун ҳам хизмат қилади. Ҳеч кимга зиён-заҳмат етказмайди.

ҲИКОЯТ. Бир донишманддан:

— Қайси айб, ярамас одат ҳамма яхши хунарни ёпиб қўяди? — деб сўрадилар.

— Бахиллик, — деб жавоб берди донишманд.

Яна сўрадилар:

— Қайси яхши хунар ҳамма айбни босади?

— Сахийлик, — деди донишманд.

ҲИКОЯТ. Анушервоннинг бир хизматчиси унинг ёнида бир кишини ёмонлади. Анушервон у чақимчига:

— У киши ҳақида айтганларингни яхшилаб текшираман. Агар тўғри сўзлаган бўлсанг, чақимчи бўлганинг учун сенадан нафратланаман, сени душманим деб биламан. Ёлғон сўзлаган бўлсанг, жазо бераман, чақимчиликдан тавба қилсанг, кечираман, — деди.

Хизматчи чақимчиликдан тавба қилди. Анушервон унинг гуноҳини кечирди.

Байт:
Гар чақимчи ўз
ишидан урса дам,
Қудратинг етса
тилки қилгил қалам.

• Дилим ранжимасин десаңг, ёйбатчи бўлма.

• Ғийбат — юракнинг бевозта касали. У қалбимизни яралайдиган мудҳиш оғудир.

БОЖХОНА БОШҚАРМАСИДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва ҳудудларни тиббий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва Фуқаро муҳофазасини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бир талай ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, яқинда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти божхона бошқармаси ходимлари ўртасида Фуқаро муҳофазаси бўйича кўргазмали ўқув машғулот тадбири бўлиб ўтди.

Унда вилоят божхона бошқармаси ва Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг малакали мутахассислари иштирок этишди. Тадбирда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник Эргаш Икромов сўзга чиқиб, божхона постларида тиббий ва техноген ҳолатларда рўй берадиган фавқулодда ҳолатлар тўғрисида ва бундай вазиятда қандай ҳаракат қилиш чора-тадбирларини қўллаш кераклигини аниқ ва раван тарзда тушунтириб ўтди.

У сўзини давом эттириб шундай деди:

— Шуни таъкидлаш жоизки пойтахт-

тимизга кириб келаётган барча маҳсулотлар, яъни озиқ-овқат, кийим-кечак, қурилиш моллари Тошкент вилояти божхона постларидан ўтади, унинг назорати эса табиийки, вилоят божхона бошқармаси ходимлари зиммасидадир. Шунинг учун ҳам бугун биз давлат чегаралари, божхона постларидан ниҳоятда хушёр, сергак турмоғимиз лозим. Шундан сўнг Э.Икромов божхона хизмати раҳбариятига фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш чора-тадбирларига оид бўлган ўқув қўлланмаларини тақдим этди.

Маъзур тадбир божхоначиларда фавқулодда ҳолатлар рўй берганда қандай

чора-тадбирларни қўллаш кераклиги ҳақида ўзгача таассурот уйғотди. Сабаби, улар ҳар хил вазиятларда қўтқарув хизмати гуруҳи қўллайдиган техникаларни ўз кўзлари билан қўришди, ишлаш жараёни билан эса бевосита танишишди, ҳам назарий, ҳам амалий кўникмага эга бўлишди.

— Яратилган қулайлик ва имкониятлар ишимизнинг самарали ва унумлигини оширишга катта ёрдам беради, — дейди Алоқа ва оғохлантириш бўлими бошлиғи, подполковник В.Бобрик божхоначилар билан бўлган суҳбатда.

Тадбир сўнггида божхона ходимлари Тошкент шаҳар Фавқулодда Вазиятлар бошқармаси томонидан ташкил этилган махсус автоулов, гидравлик авария-қўтқарув асбоблари, сувда чўкканларни қўтқариш ва альпинистик анжомлар, қисилган ҳаво аппаратлари, заҳарли газга қарши аппаратлар ва қўтқарув кийим-кечаклари, алоҳида уст-бошлардан таркиб топган кўргазмани томоша қилишди.

Воҳид АХМЕДОВ,
Тошкент шаҳар
Фавқулодда вазиятлар
бошқармаси матбуот хизмати
бўлими бошлиғи



**Бахт— иқболнинг баланд бўлсин қизалогим,
Гулгун чехранг қулиб турсин овуңчоғим.**

Мутахассис таслаҳати

СИМОБ ЗАРАРЛИ, УНДАН САҚЛАНИНГ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таркибида симоб маҳсулотлари билан боғлиқ ишларни тартибга солиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 октябрдаги 405-сонли «Таркибида симоб бўлган лампа ва асбоблардан фойдаланиш ва зарарсизлантириш бўйича корхоналар фаолиятини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ раҳбарий ҳужжат ишлаб чиқилди.

Лекин шахримиз туманларида жойлашган шифоналар, соғломлаштириш масканлари, ўқув масканларининг ҳаммаси бу қарор билан тўлиқ танишлар деб бўлмайди. Бироқ, юқоридаги ҳужжатда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар таркибида симоб бўлган маҳсулотлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш учун аниқ ҳисоб-китоб олиб боришлари мажбурийлиги белгиланган бўлган. Шунингдек, турар жой-коммунал хизмат корхоналари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари аҳолидан таркибида симоби бўлган маҳсулотларни йиғиш учун махсус ҳонага эга бўлишлари шартлиги ҳам кўрсатилган. Биз мана шундай идора раҳбарлари симоб ҳақидаги фикрларга тўлиқ эга бўлишлари учун симобнинг қуйидаги физикавий ва кимёвий хусусиятлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Симоб — суяқ модда, у 38,87 даражали ҳароратда суяқ ҳолга келади, 357,25 даражада қайнайдми. 20 даражада ҳамда ҳарорат ундан ошиши билан симоб устуни кескин кўтарилади. Симоб ҳавога нисбатан етти марта оғир. Симоб майда дончаларга бўлиниш хусусиятига эга, бунда бугланади ва унинг ҳаводаги концентратсияси кескин ортади. Симоб ва унинг бугларини кўпгина материаллар шимиб олади.

У пол устида, тирқишида ва бошқа жойларда тўпланиши натижасида ифлосланишга олиб келади. Амалда сувда эримайди, уни сув остида сақлаш тавсия этилмайди. Чунки унинг буглари сув қатламлари ва полиэтилен орасига кириб қолиши мумкин. У кислоруд ва ачитиш хусусиятига эга бўлмаган кислоталар билан реакцияга киришмайди, азотли ва олтин-гуртургли иссиқ кислоталарда яхши эрийди. Симоб кўлгина металллар билан реакцияга киришмайди.

Симоб 1-гурухдаги фавқулодда заҳарли модда қаторида туради, у асосан нафас йўли орқали инсон организмга таъсир кўрсатади.

Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик симоб билан заҳарланишга олиб келади. Заҳарланиш асосан симоб буглари билан нафас олиш орқали юз беради, ютилган 80 фоиз симоб ўпкада қолади ва организмда тўпланиб, комулятив таъсир кўрсатади. Симобнинг буги рангсиз, ҳидсиз, мазасиз, тўйинганлик даражасига эга эмас. Нафас олиш, қўриш органлари, тери ва бошқа жойларга дарҳол таъсир этмайди.

Симобнинг организмда қанчалик тўпланганлигига қараб кескин ва сурункали заҳарланиш кузатилади. Сурункали заҳарланиш симобнинг унча кўп бўлма-

келишга қўлдан келганича ҳаракат қилишмоқда.

— Тўғриси айтсан, таширфимиз давомида болажонларнинг кўзларидаги мунгни қўриб, бу ерга тез-тез келиб туришимиз, уларнинг ҳам кимгадир керак, ҳаётда ёлғиз эмасликларига ишонтириш, кўнгилларини кўтариш бизнинг вазифамиз. Деган фикрга келдик, — дейди Тошкент шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти қошидаги матбуот маркази раҳбари Рустам Шоймуқолов.

Шерзод ШУКУРОВ,
Тошкент давлат юридик
коллежи талабаси

2004 — Меҳр ва мурувват йили

ШОДЛИК УЛАШИЛДИ

Куни кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар мактаблари сардорлар Кенгаши аъзолари Ўзбекистон Республикаси Давлат консерваторияси фаоқ қўшиқчи-талабалари билан биргаликда Ҳамза туманида жойлашган 30-меҳрибонлик уйига таширф буюришди.

Таширфдан кўзланган мақсад «Меҳр ва мурувват йили» дастури ижросини таъминлаш, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини хурсанд қилиш ва уларнинг озгина бўлсада кўнглини кўтариш эди. Шуни айтиш лозимки, меҳрибонлик уйидаги 169 нафар болажонларнинг яхши яшашлари учун барча шароитлар яратилган ва зарур нарсалар муҳайё қилинган. Фақат уларга ота-она меҳри етишмайди ҳолос. Шундай бўлса ҳам мутасадди ва ҳомий ташкилотлар, саховатли ҳамшаҳарларимиз, қолаверса меҳрибонлик уйи тарбиячилари доимо ота-она вазифасини ўтаб

ган концентратсияси билан узоқ муддат иш юритиш тўғрисида юз беради.

Симобдан заҳарланиш: симоб билан ишлаганда унинг буглари нафас олиш органлари орқали организмга ўтади. Симоб овқат ҳазм қилиш йўлига тушганда зарарсиз ҳисобланади, симоб организмдан жигар, ичакнинг шиллиқ пардасига, овқат ҳазм қилиш органларининг сўлак безларига, шунингдек, сафрога ўтади ва организмдан чиқиб кетади.

Симоб буги организмга узоқ муддат таъсир этиб туриши сабабли сурункали заҳарланиш вужудга келади.

Сурункали заҳарланишнинг дастлабки белгиларига жаззаклилик ва милкдаги ўзгаришлар ҳам қиради, милк бўшашиб қонайди.

Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Қичқиндилар тўғрисида»ги қонунлар талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 октябрдаги 405-сонли «Таркибида симоб бўлган лампа ва асбоблардан фойдаланиш ва зарарсизлантириш бўйича корхоналар фаолиятини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорини ижро эта бориб, аҳолининг экологик хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Маъзур қоида кундузги ёритгич лампалар, тиббийда ишлатилган ва таркибида симоб бўлган бошқа асбоблар, ярим маҳсулотлар, қичқиндилар, шунингдек таркибида симоб бўлган маҳсулотлар билан боғлиқ ишларни амалга оширадиган юридик, жисмоний шахсларга қўлланилади.

Тошкент шаҳридаги барча корхона, ташкилотлар, муассасалар, ўқув масканлари, шифоналар ишлатиб бўлинган кундузги ёритгич лампаларни зарарсизлантириш учун «СЭЛТА» қўшма корхонаси билан шартнома тузишлари лозим. Унинг телефони: 173-88-06.

М.УМАРОВА
мутахассис

Мурғи олам

ЖОЙИДАН ЖИЛДИРА ОЛМАДИ

Эгасига вафодорлик борасида итлардан қолишмайдиغان жониворлар ҳам йўқ эмас экан. Германияда буқа билан боғлиқ қизиқ ҳоқеа рўй берди.

Фермер Алфред Грюнйер вафот этгандан кейин унинг сийғирлари эгасини кўмасиғериб касал бўлиб қолди. Бечора жониворлар на емиш ейди, на сув ичди. Айниқса, Барнаби лақабли буқага қийин бўлди. Жонивор ўзи ўтлайдиган даладан тарк этиб, икки километр йўл босди ва эгаси абадий макон тугган қабристонни топиб келди.

Қабристон дарвозасидан кириб келган ақлли жонивор қийналмаётган эгасининг ҳоқи қўйилган жойни топди ва шу ерда бир неча кун ётиб қолди. Полициячилар ҳар қанча уринмасин уни жойидан жилдира олмади. Орадан бир ҳафта ўтгачина у ўзига келиб, полициячилар уйига олиб кетишига изн берди.

ИСЁНЧИЛАР ТАЛАБИ

Непалда саёҳат қилиб юрган икки нафар Шотландия фуқароси тушликка энди ўтирганида чакалақзордан ҳарбийча кийинган қўлли кишилар яқинлашиб келди. Улар номалум тилда нималардир деб бақирарди. Тилмочнинг айтишича, исёнчи аскарлар ҳар бир сайёҳдан минг рупядан пул талаб қилаётган экан. Кўрқиб кетган сайёҳлар шу заҳоти пулни берди. Исёнчилар эса уларга пул олгани ҳақида тилхат тутқизди. Энди сайёҳлар кўрқмай Непалнинг гўзал манзараларидан баҳраманд бўлиши мумкин эди.

Сайёҳларнинг ўтакасини ёрган аскарлар кетгач, тилмоч аскарлар Непалда монархияга қарши курашаётган маочи партизанлар эканини маълум қилди.

Непалда шўро тузумини ўрнатиш учун курашаётган маочи исёнчилар кейинги пайтларда хорижлик сайёҳларга «инқилоб солиғи»ни жорий қилган.

Ҳимолай тоғи эстагида жойлашган Непал дунёдаги энг қашшоқ давлатлар сирасига кирди. Мамлакат, асосан, хорижлик сайёҳлар ҳисобига яшайди. Буни яхши билган исёнчилар уларга зиён етказмай, фақат озгина пул талаб қилади.

Яқинда Непал бўйлаб автобусда саёҳатга чиққан германиялик бир гуруҳ сайёҳ исёнчиларга «инқилоб солиғи»ни тўлашдан бош тортди. Шунда исёнчилар автобусни ёқиб юборди. Сайёҳларнинг барча қимматбаҳо нарсаларини тортди олиб, ўзларини қоялар орасида ташлаб кетди. Маҳаллий полиция орадан икки кун ўтгандан кейингина сайёҳларни топди.

Ўйидаги ҳақоматлар

«БАРАКА ТОПИНГ...»

Бир куни машинага она-бола ўтиришди. Ёшгина жувон ўғилчасини болалар боғига ўйнатгани олиб борган экан, уйларига қайтишда пуллари озроқ қолибди, мен уларни айтган жойларига олиб бориб қўйдим. Тушаётиб ҳалиги аёл: — Раҳмат, барака топинг,—деди.

Шунда унинг уч ёшлар чамасидаги ўғилчаси ҳам онасининг галини такрорлади: — Яҳмат, баяка топинг...

Мен учун бу мурғак гўдакнинг дуоси улар бериши мумкин бўлган пулдан минг чандон ортик эди. Ушанда шошилиб кетворган эканман.

Гоҳ-гоҳ ўша гўдакнинг дуоси ёдимга тушиб қолади. Мен унга фикр жавоб қайтараман: — Яҳмат, баяка топяман, болам...

БАРОҚҲОН МАДРАСАСИ ҚАЕРДА?

Бир куни машинага эр-хотин японлар чиқибди. Ярим русча, ярим инглизча, гоҳ-гоҳ эса японча ҳам қўшиб менга қўллариди шаҳар харитасини кўрсатишди. Унда Чорсу атрофида бир ерда Бароқхон мадрасаси деб ёзилган жой бор эди. Япон сайёҳлари мендан ўша ерга олиб бориб қўйишимни сўрашди. Мен рози бўлдим, аммо мазкур мадрасанинг қаердалигини аниқ билмаганимдан хижолатда эдим. Кўкалдош мадрасасининг ён-вериди бўлса керак, деб ўйлаб машинани юргиздим. Кўкал-

дош мадрасасига етгач уни йўловчиларимга ишора қилсам «Йўқ, бу Кўкалдош мадрасаси, бизга Бароқхон мадрасаси керак», деб бош чайқашди. Машинами тўхтатиб одамлардан сўрасам билишмади, такси ҳайдовчилари эса «бирор одамни бунақа жойга олиб бормаганимиз, билмаймиз», деб жавоб қилишди. Мен ўрта асрларда Тошкентда ҳукм сурган хонлардан бири бўлмиш Бароқхон ҳақида ўқигандим, унинг мадраса қурдирганлигини ҳам билардим. Мадраса Ҳаси Имом тарафдамикан, деб ўйладим. Аммо сайёҳлар менга харитадан нуқул Чорсу майдонини ниқтаб кўрсатаверишди. Ноилож уларни Чорсудан бир марта айлантириб чиқдим «тополмадим», деб елка қисиб машинами тўхтатдим. Сайёҳлар ҳам ҳайрон бўлиб тушиб қолишди. Уйга кела солиб китоб титишга тушдим. Ана, ўзим айтган: Бароқхон мадрасаси Зарқайнар кўчасида, Ҳаси Имом мақбараси тарафда экан. Аммо у ердан ўтиб бу ҳақдаги бирор ёзувни кўрмаган, кўрган бўлсам ҳам эътибор бермаган эканман. Бу мадрасанинг қаердалигини барибир топишга топдим аммо бундан на фойда: ҳалиги япон сайёҳларини энди топиб бўлмайди. Аттанг, аттанг-а... Улар машинадан тушаётиб бўлса-бўлмаса мен ҳақда: «Ўзи туппа-тузук зиёлига ўхшайди-ю ўз шаҳрининг тарихий обидаларини билмас экан-а», деб ўйлаган бўлишса керак.

Ҳа, жаноб, биз ва биздақалар ўз тарихимиз-

дан махрум этилган эдик, энди ўрганаёلمиз, энди ахтараяёلمиз, энди топяёلمиз...

КАЙТА-КАЙТА «САҚЛАДИМ»

Машинага бир йигитча ўтирди — ёшгина, чапдастгина. Бир манзилни айтиди, кетиб бораёلمиз. Бир пайт йўлнинг чеккасига ишора қилди: — Шу ерда сақланг. Сигаретим тугабди.

«Сақланг» дегани самарқандча шевада «тўхтатинг» дегани. Тўхтадим. Йигитча йўл четиди дўконча олдига келиб бемалолгина сигарет танлади. Миждоз хоҳиши — қонун, мен тўхтаб турдим. Йигитча йўл-йўлакай озгига сигарет кистириб машинага ўтирди.

— Кетдик. Кетдик. Бироздан сўнг йигитча яна менга ўтирилди.

— Шу ерда сақланг. Телефонда гаплашиб олай, илтимос.

Яна «сақла»дим. Йигитча тушиб, йўл четидидаги телефон хонасига кириб кетиб анчагача чиқмади, афтидан Самарқанд билан гаплашди. Бироздан сўнг чиқиб бемалол келиб машинага ўтирди.

— Кетдик. Кетдик. Бошқа йўловчи бўлса-ю «ҳайдовчи бунақа ҳадеб тўхтатавермайди», дейишим мумкин эди. Аммо бу гапни самарқандлик йигитчага айтмадим. Майли, мэхмон экан.

— Ака, шу ерда сақланг. Яна тўхтадим. Хайрият, бу сафар у манзилига етган экан. Самарқандлик йигитча мен билан ҳисоблашиб тушиб кетди.

— Саломат бўлсинлар, энди сизни Яратганинги ўзи сақласин, самарқандлик бемалол йигитча!

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«МАЛИКА» ОАЖ ДИҚҚАТИГА!

«Малика» ОАЖ 2004 йилнинг 29 майида акциядорларнинг умумий йиғилиши «Малика» ОАЖ фаоллар залида ўтказилади
Манзил: Тошкент шаҳри, Гвардия полковники Хўжаев кўчаси, 2-уй. Акциядорлар 2004 йил 29 май соат 10.30 гача рўйхатдан ўтказилади.

Мажлис соат 11.00 да бошланади

КУН ТАРТИБИ:

1. Бошқарув раисини тасдиқлаш ҳақида
 2. «Малика» ОАЖ Низомини янги тахрирда қабул қилиш
 3. 2003 йил ҳисоботи бўйича аудитор текширувининг хулосасини тасдиқлаш
 4. «Кобул—Ўзбек со.Итд» қўшма корхонасининг Низом (Устав) фондидан «Малика» ОАЖ ўз улуши билан чиқиши ҳақида
 5. «Малика» ОАЖни қайта шакллантириш концепциясини тасдиқлаш
 6. Маънавий ва жисмоний эскирган асбоб-ускуналарни корхона балансидан чиқариш. 2-фабрика, Чилонзор участкасини сотиш ҳақида
 7. Малайзиялик тадбиркорлар билан «MALIKA-TLWAY» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида
 8. «Малика» ОАЖ 2004 йил иқтисодий ривожлантириш ҳақида
 9. «Малика» ОАЖ фаолиятини назорат қилиб туриш мақсадида аудиторлик хизматини ёллаш тўғрисида
 10. Кузатув кенгашидаги ўзгартиришлар ҳақида
- «Малика» ОАЖ баланси (2004 йил 1 январига)

№	КўРСАТКИЧЛАР	Сумма (минг сўм)
АКТИВ		
1	Узоқ муддатли активлар	1333277
2	Номатериял активлар	12104
3	Дебиторлар	134366
4	Жорий активлар	43830
5	Тайёр маҳсулот	159944
6	Пул маблағлари	1032
ЖАМИ		1684553
ПАССИВ		
1	Устав капитал	88533
2	Қўшимча капитал	646077
3	Заҳира маблағлари	703818
4	Мақсадли молиялаштириш	71637
5	Кредиторлар	127955
6	Қисқа муддатли кредитлар	46533
ЖАМИ		1684553
МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР		
Тушум		352520
Ассий фаолиятдан олинган фойда (зарар)		62619
Умумҳуждалик фаолиятдан олинган фойда (зарар)		73600



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
МИЛЛИЙ БАНКИ**

жисмоний шахслар учун эгасининг номи кўрсатилмайдиган депозит (омонат) сертификатларни

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- муомаладаги муддати 3 ва 6 ой бўлиб, йиллик даромади тегишли тартибда - 21 ва 24 фоиз
- сертификатлар - 25 000 ва 50 000 сўмлик

Миллий банкнинг депозит сертификатлари — пулларингиз сақланиши ва даромадли бўлишига гаровдир!

Кўшимча маълумотлар учун куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 134-14-14, 135-42-83
www.nbu.com

«ELIMGA XIZMAT» масъулияти чекланган жамиятининг Устав фонди 9992410 сўмдан 987750 сўмгача камайтирилмоқда. Даъволар бир ой мобайнида куйидаги манзил бўйича қабул қилинади: А.Дониш кўчаси, 14-мавзе, 62-уй. Тел: 22-34-35, 22-14-34.

Спорт

ЭШКАКЧИЛАРИМИЗ ОЛИМПИАДАДА ҚАТНАШАДИ

Хитойнинг Шанхай шаҳрида академик эшкак эшиш бўйича Афина олимпиадасида қатнашиш учун йўланма берувчи Осиё чемпионати бахслари бўлиб ўтди.

Осиё қитъасининг ўттизга яқин мамлакатлари спортчилари галаба учун кураш олиб борган нуфузли турнирда ҳамюртларимиз ҳам муносиб қатнашиб, мухлислар ва мутахассислар ишончларини оқлашди. Жумладан, Владимир Черненко якка тартибда эшкак эшиш, Руслан Наурзалиев ва Сергей Богдановлар жуфтлик мусобақаларида бронза нишонларини қўлга киритишди.

Аёллар ўртасида яна бир юрдошимиз Елена Усарова бешинчи ўринни эгаллади.

Мусобақа Низомига кўра, юқоридаги барча эшкакчиларимиз шу йилнинг август ойида Грецияда ўтказиладиган ёзи олимпиада ўйинларида иштирок этишади.

ГИЛАМДА — САМБО УСТАЛАРИ

Хабар берганимиздек, Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси шаҳар Самбо федерацияси билан ҳамкорликда «Динамо» спорт мажмуасида тўрт кун давомида «Динамо», «ИИБ академияси», «Медик», «ТАДИ» ва бошқа жамоалар ўртасида Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақасини ўтказди.

Унда 46 та самбочи иштирок этди. Умумжамоа ҳисобида «Динамо» биринчи, «ИИБ академияси» иккинчи ва «Медик» учинчи ўринни эгаллади.

Якка тартибдаги бахсларда эса 52 килограммгача вазнда Сарвар Ризаев, 57 килограммгача вазнда Самир Алиев, 62 килограммгача вазнда Садрид Сангинов, 68 килограммгача вазнда Шерзод Дехқонбоев (барчаси «Динамо»дан), 74 килограммгача вазнда Жамшид Ақромов, 82 килограммда Акмал Бўронов («ИИБ академияси»), 90 килограммгача вазнда Элдор Тулямов («ИИБ академияси»), 100 килограммгача вазнда Михаил Ким («Медик») шаҳар чемпионлари бўлишди.

Ҳалиларга шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ва шаҳар Самбо федерацияси томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтининг ректорати ва жамоаси институт моляри-режа бўлимининг бошлиғи Ғайрат Соқиевич Юсуповнинг волидаи муҳтарамаси **НАЗИМА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изорх этди.

Шахмат

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

Шайхонтохур туманидаги 5-олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббийи Иброҳимжон Имомжонов ва шу мактаб услубчиси Тўлқин Қўқоновлар билан ёш шахматчилар маҳоратини чархлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳуқуқидан сўхбатда бўлидик.

— Иброҳим ака, мактабнинг ташкил этилганига ҳам 26 йил тўлибди. Шу давр ичида бу ерда спортни оммалаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

— Дастлабки йилларда ташкилий ишлар биров қийин кечган бўлса-да, лекин кейинчалик Алексей Грушевский, Гроси Борисенко, Сергей Тимофеев ва ҳозирда Тошкент шаҳар шахмат федерациясининг котиби Тўлқин Қўқоновларнинг тинимсиз меҳнатлари, изланишлари натижасида мактабимиздан Рустам Қосимжонов, Сергей Григорян, Сергей Қаюмов каби қатор иқтидорли шахмат усталари етишиб чиқди. Ва Тўлқин Қўқонов бошчилигида Эрон, Ҳиндистон ва бошқа қатор шу сингари Осиё давлатларидаги нуфузли мусобақаларда қатнашиб ўз маҳоратларини амалда исботлаб келишди.


— Куни кеча Эронда ўтказилган ёшлар ўртасидаги қитъа биринчилиги мусобақаларида шогирдимиз Антон Филипповнинг учинчи марта чемпион бўлиб қайтгани кўнглимизни кўтариб юборди, — дейди

сўхбатга қўшилган спорт мактабининг услубчиси Тўлқин ака Қўқонов.

— Тўлқин ака, сизнингча шахмат сирасорлари нимада?

— Унинг мезонлари ақл-идрок, матонат, ирода, сабр-тоқат ва шу қабиларни мустақамлашга амал қилишдир. Лекин яна бир нарса, шахматни олдий ўйин деб эмас, аксинча ҳаёт ўйини деб тушунилса тўғрироқ бўлади. Ўйлайманки, шунда ўша инсоннинг қўли ўйинда ҳаммиша баланд келади.

Нафақат шахмат, спортнинг бошқа турлари ҳам инсонни ҳам жисман, ҳам ақдан чиниктиради. Унинг ўрнат олса арзийдиган ибратли томонлари жуда кўп. Унда ҳаёт фалсафаси бор десам сира янглишмаган бўламан. Буни фақат ўйинда иштирок этадиган, шахматни тушунадиган инсонгина ҳис этади ҳолос. Менимча шахматни алоҳида дарс сифатида мактабларда ўтилса ёмон иш бўлмасди.



Шогирдларимиз Антон Филиппов, Ира Геварсан, Женья Пак, Оля Кузнецова каби ёшлар мактабининг ишончли шахмат усталаридан. Ҳаммаларига омад ёр бўлишини, улар сафининг янада ортинини тилайман.

Биз ҳам Техронда 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида навбатдаги қитъа тождорлиги учун кечган баҳсда яна пешкадамликни қўлга киритган Антон Филипповни ушбу чемпионлик билан муборақбод этамиз.

Олам узра Ўзбекистон байроғини баланд кўтариш ниётида бўлган барча умидли, истеъодли ёшларимизга улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Юнус АСОПОВ сўхбатлашди. СУРАТЛАРДА: 15-олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бўлиб ўтган мусобақадан лавҳа; Осиё чемпиони Антон Филиппов.

Ҳажимжон Солиҳов олган сурат.

Атрофда сокинлик ҳукмрон. Бу тонг дилни яна согинч уйғотди. Умид уйғотди. Майин бир эпкин, бир сирли... Қарийб чорак асрлик умрим сарлавҳаси эди бу согинчга эврилган умид. Эҳ бу сарлавҳалар шу қадар кўпки, ҳам шу қадар узун. Умримдан-да узунроқ.

Шўйқулар

СОҒИНЧ

Хувиллаган кўнгил сарҳадларида дарбадар кезган бу хислар кўним топмай, бир ошён излаб дарбадар кезинади. Кезинади. Кезинаверади. Сўнгсиз армон гунча очмай қуриган ҳар чечак пойида маҳзун шивирлаб, оғир сукутла мунгли кўшигини қўлайверади. Куйлашдан сира толмайди.

Халоват бағридан бир паноҳ излаб, суронли исёнкор хислардан тилаб бир ором, туйғулар тўфонидан чарх уриб, бир таскин, бир ҳаловат излаб чорасиз кезинади бу руҳ.

Қалб дунёси бўм-бўш. Фақат олис-олис, ҳам жуда яқин, яқинда элас-элас кимсасиз ва ташландиқ бу оламда ниманидир кимгадир ёслатиб ўтмиш кечмиш хаёл хазонларини совуриб, хотиротлар елади. Елади, куйлаверади. Ҳеч тинмайди.

Хазон янглиғ соврилган умр парчаларни эса ингранди. Ингранди-инграна ўтмишга бош уради. Ва бора-бора хотирот ҳоқиқа қоришиб кетади. Хаёлга кўмилади бу олам!..

Хазонлар узра мук тушган, ўқинч, забун ва хор япроқларининг илк куртақлик чоғлари-

ни элагандек оғир хаёл остидан эзилди, соғинади. Жудаям қаттиқ соғинади. Қўмсайди. Жуда ҳам қаттиқ кўмсайди. Ўтмишни ҳам, келажакни ҳам бирдек соғинади. Зеро, у ўтмишни ташлаб кетмоққа қурби етмайди, келажакни кутмоққа тоқати... Илло, ўтмиш ила қолиб бўлмайди. Келажаксиз яшаб... Ва зеро, у кунларни-да ўтмишга айланмоғи бор.

Вақтга тобе дунё чарҳида, соғинч ришталари узайиб борар. Ва ҳаёт ва мамот ўртасига ўрғимчак инидек кўринмас тўр солар. Бу тўрда ҳар кун неча хислар капалакдек ожиз курашиб, мағлуб ва қурбон бўлар, гуссага емишга айланар. Эҳ қурбонлари қанча унинг!

Кўнгил эса ҳамон кимсасиз. Ҳамонки кимсасиз! Гўё ташландиқ шаҳардек хувиллайди. Унда ҳатто шамоллар зерикади. Аммо бу кўнгил ёлғиз уйна ўзлигини тарқ этолмайди. Ташлаб кета олмайди. Аксинча, у кимнидир кутади. Кутаверади, кутаверади.

Ҳар гал эшик қоқиб келгани эса соғинч!

Саодат УМУРЗОҚОВА

ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ ЁШЛАР НИГОҲИДА

Камолитдин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтида «Ўзбекистон замонавий санъати ёшлар нигоҳида» мавзuida республика анжумани ўтказилди. Унда республикамизнинг етакчи санъатшунос олимлари, иқтидорли ёш мутахассислар ва талабалар иштирок этди.

Анжуман мамлакатимиз замонавий санъати ва ривожланиш аъёналарига бағишланиб, замонавий санъатшунослик, маданиятшуносликнинг долзарб муаммолари муҳокама этилди.

Иштирокчиларнинг таъкидлашича, юртимиз санъати ва маданиятида миллий аъёналарни ўрганиш билан бирга Европа, АҚШ ва бошқа давлатлар санъати ва маданиятида бўлаётган жараёнларни англаш ва ўзлаштириш лозим. Шунда-

гина санъатшунослар дунё таърибасини ўрганган ҳолда янги ютуқларни қўлга киритишлари мумкин.

Анжуманда санъат соҳасида илмий тадқиқот олиб бораётган бакалавр ва магистрлар Ўзбекистон ёшларининг тасвирий санъатга муносабати, теурийлар даврига оид ёдгорликлар, япон миллий либосларини ўрганилиш даражаси мавзуларида маърузалар қилишди.

И.ЭГАМУКОВА,
«Туркистон-пресс»



— Мана, мижоз ҳам топилди.

Абдурасул Ҳажимов чизган расм.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хитлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-89, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма тибқо офсет усулида босилади.
4409 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишиниз мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босямоноси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.